

ҚАДИМГИ ЭЪТИҚОДЛАР ВА УЛАРДАГИ ДИНИЙ-МИСТИК РАМЗЛАР

ДРЕВНИЕ ВЕРОВАНИЯ И ИХ РЕЛИГИОЗНО-МИСТИЧЕСКИЕ СИМВОЛЫ

ANCIENT BELIEFS AND THEIR RELIGIOUS AND MYSTICAL SYMBOLS

Elyor ALIMKULOV,

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,

*PhD student of the UNESCO chair on religious
studies and the comparative study of world religions,*

bushrooo@mail.ru,

11 A.Kadiri, Tashkent 100011, Uzbekistan

Аннотация: Мақолада диний рамз тушунчаси, Қадимги Миср, Юнонистон ва Рим динларидаги диний-мистик рамзларнинг келиб чиқиш тарихи, мазмун-моҳияти, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Рамз ва диний рамз тушунчаларининг илмий муомалага кириб келиши, Ғарб олимларининг рамзлар юзасидан берилган турли таърифлари, уларнинг жамиятда тутган ўрни таҳлил қилинган.

Қадимги Миср динларида ҳар бир қабила ўз худосига ибодат қилиш, уни эъзозлаш билан бир қаторда ўша худо билан қандайдир жиҳат билан боғлиқ муайян ҳайвонни ҳам эъзозлагани ва унга сиғингани, улар иккаласи ёки алоҳида-алоҳида шаклда ёхуд зооантропоморф, яъни одам-ҳайвон шаклида тасвирланган диний-мистик рамзлар тўғрисида тўхталиб ўтилган. Жумладан, Амент-Анх, Ба, Шену, Жед, Маат пероси, Урей, Уджат каби машҳур рамзлар ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Шунингдек, қадимги Юнонистон динларидаги рамзлар ҳақида қадимги юнон достонлари, юнон файласуф мутафаккирларининг бизгача етиб келган асарлари ва манбаларидан олинган маълумотлар баён этилган. Қадимги юнонлар бир қатор ҳайвон ва қушлар, ой ва қуёш, одам шаклидаги худо тимсолларини кўп илоҳийлаштиргани сабабли, улардаги мифологияга асосланган Арес-Марс, Асклепий, гарпиялар, Гермес-Меркурий, Зевс-Юпитер, Ника-Виктория, Пегас, Фемида каби диний-мистик рамзлар қиёсий тадқиқ этилган.

Мақолада қадимги римликларнинг диний дунёқараши табиатни илоҳийлаштирувчи деҳқончилик билан ва одатда оила бошлиғи томонидан амалга оширилаётган сеҳргарлик расм-русумлари ва аждодлар руҳи билан боғлиқ бўлганлиги акс эттирилган.

Кейинчалик Рим пантеонида мавжуд худоларга эътиқод қилиш мобайнида вужудга келган рамзлар, шунингдек, римликлар томонидан ҳайвонлар ва ўсимликларни қурбонлик қилиш, ибодат ва махсус расм-русумларни амалга ошириш орқали пайдо бўлган атрибут ва тимсолларнинг мазмун-моҳияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Рамз, диний рамз, қадимги Миср, пантеон, Амент-Анх, Ба, Шену, Жед, Маат пероси, Урей, Уджат, қадимги Юнон, Арес-Марс, Асклепий, гарпиялар, Гермес-Меркурий, Зевс-Юпитер, Ника-Виктория, Пегас, Фемида, қадимги Рим, Минотавр, лабрис, фасциялар, омфалос, лабиринт, гигея косаси.

Аннотация: В статье рассматривается понятие религиозных символов, история происхождения религиозно-мистических символов в Древнем Египте, Греции и Риме, их сущность, содержание и значения в настоящее время.

Также высказываются взгляды автора на введение понятий «символ» и «религиозные символы» в научный оборот, приводятся различные дефиниции данных понятий западными учеными, определяется роль символов в обществе.

В древнеегипетских верованиях каждое племя поклонялось и почитало не только своего бога, но также и определенное животное, каким-либо образом связанное с этим богом, независимо от того, были ли они оба в отдельных формах или зооантропоморфны, то есть представлены в виде религиозного символа «человек-животное». В частности, из статьи можно почерпнуть многое о таких популярных символах, как анх Аменти, Ба, Шену, Жед, перо Маат, Урей, Уджат.

Также в работе собраны из дошедших до нас различных источников, древнегреческих эпосов, сочинений греческих философов сведения о символах, представленных в религиозных верованиях Древней Греции. Так как древние греки и римляне часто обожествляли ряд животных и птиц, луну и солнце, богов в человеческих обликах, на основе мифологий данных народов проведен сравнительный анализ некоторых религиозно-мистических символов, как Арес – Марс, Асклепий, гарпии, Гермес – Меркурий, Зевс – Юпитер, Ника – Виктория, Пегас, Фемида.

Кроме того, в данном научном исследовании отражаются научные взгляды о том, что религиозное мировоззрение древних римлян было связано с земледелием, ритуалами, обожествляющими природу, мистико-религиозные изображения и духов предков, что обычно осуществлял глава семьи.

Показывается сущность и содержание атрибутов и символов, появившихся позже в древнеримских верованиях как следствие ритуалов жертвоприношений животных и растений, отправления культов и особых ритуалов.

Ключевые слова: Символ, религиозный символ, Древний Египет, пантеон, анх Аменти, Ба, Шену, Жед, перо Маат, Урей, Уджат, Древняя Греция, Арес – Марс, Асклепий, гарпии, Гермес – Меркурий, Зевс –

Юпитер, Ника – Виктория, Пегас, Фемид, Древний Рим, Минотавр, лабрис, фасции, омфал, лабиринт, сосуд Гигеи.

Abstract: The article examines the concept of religious symbols, the history of the origin of religious-mystical symbols in ancient Egypt, Greece and Rome, their essence and content and meaning today.

Also, the author's views on the introduction of the concepts of symbol and religious symbols into scientific circulation are expressed, various definitions of these concepts by Western scientists are given, the role of symbols in society is determined.

It is noted that in ancient Egyptian beliefs, each tribe worshiped and revered not only its own god, but also a certain animal that was somehow connected with this god, regardless of whether they were both in separate forms or zoo-anthropomorphic, that is, presented in the form religious symbol «man-animal».

In particular, from the article you can learn a lot about such popular symbols as the Ankh Amenti, Ba, Shenu, Jed, The pen Maat, Urey, Ujat.

Also, the work contains information about the symbols represented in the religious beliefs of Ancient Greece from various sources that have come down to us, ancient Greek epics, the works of Greek philosophers.

Since the ancient Greeks and Romans often deified several animals and birds, the moon and the sun, gods in human forms, based on the mythologies of these peoples, a comparative analysis of some religious and mystical symbols was carried out, such as Ares - Mars, Asclepius, harpies, Hermes - Mercury, Zeus - Jupiter, Nika - Victoria, Pegasus, Themis.

Besides, this scientific study reflects the scientific views that the religious worldview of the ancient Romans was associated with agriculture, rituals deifying nature, mystical-religious images and ancestral spirits, which were usually carried out by the head of the family.

Shows the essence and content of attributes and symbols that appeared later in ancient Roman beliefs as a result of rituals of animal and plant sacrifices, worship and special rituals.

Keywords: *Symbol, religious symbol, Ancient Egypt, pantheon, Ankh of Amenti, Ba, Shenu, Jed, the feather of Maat, Urey, Ujat, Ancient Greece, Ares - Mars, Asclepius, harpies, Hermes - Mercury, Zeus - Jupiter, Nika - Victoria, Pegasus, Themis, Ancient Rome, Minotaur, labrys, fascia, omphalus, labyrinth, Hygea vessel.*

КИРИШ

Бугунги кунда юртимизда маданий мерос ва ўтмиш қадриятларимизни илмий асосда кенг жиҳатдан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги давр барча соҳалар қатори, илм-фанни янги босқичга кўтаришни, олимлар ва ёш иқтидор эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан бўлиб ўтган учрашувда: “Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир” (*Jamoldinova O., 2017:1-2*), - деб таъкидлаган эди.

Шу мақсадда, ҳозирда диншунослик соҳаси ҳамда мазкур фан доирасида олиб борилаётган ҳолисона тадқиқотлар, илмий изланишларга ҳам эътибор ортиб бормоқда. Бугунги глобаллашув жараёнида дин ва диншуносликни ўрганиш (*Ernazarov O., 2020:94*), тадқиқ этиш ва асл манбаларга суянган тарзда унинг таълимотларини соф ҳолда инсонларга етказиб бериш муҳим вазифалардан саналади.

Динлардаги турли муаммоларни илмий асосда чуқур ўрганиш ҳозирги давр учун муҳим амалий аҳамиятга эга вазифалардан бири ҳисобланади. Хусусан, турли белги ва рамзларни қўллаш барча соҳаларда учрайди. Қадимда қабилавий жамоа тузуми ҳукмронлиги даврида ҳам рамзлар турли уруғларни бир-биридан ажратишга хизмат қилган. Мазкур жамоаларнинг рамзлари ўзлари яшаётган ареал хусусиятлардан келиб чиққан. Кейинчалик улар тотемлар ва фетишларга айланган (*Alimkulov E., 2014:21-22*).

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад – диний рамзларни тадқиқ ва таҳлил қилиш билан бир қаторда, унинг қиёсий диншуносликдаги аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Мақолани ёзиш жараёнида қадимги қадимги Миср, Юнонистон ва Римда диний эътиқодларнинг шаклланиб бориш жараёнида турли рамз, тимсол, белги ва атрибутларнинг пайдо бўлиш тарихи, мазкур рамзларда ҳар бир ҳудуд жойлашуви, эътиқод қилувчиларнинг илоҳлари, турмуш тарзи ва маданияти акс этгани, диний анъана, урф-одат, маросим ва бошқа культларда тимсолий белгилардан фойдаланилиши ҳамда айрим диний-мистик рамзларнинг бугунги кунгача ўз ўрини йўқотмай сақланиб қолгани назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилди.

Шунингдек, юқорида зикр этилган қадимги учта динлардаги мифологик рамзлар қиёслашиб, тарихий-қиёсий ҳамда умумий илмий-тадқиқот усуллари қўлланилди.

Инсоният тарихида пиктография ёки расмли хат ҳам муҳим ўрин тутди. Белгиларнинг нарса ва ҳодисаларни қулай ва тежамли ифодалаш хусусияти қадимги Рим ва Юнонистонда илк марта илмий тадқиқ этилган бўлиб, стоицизм оқимининг намояндалари – Луций Анней Сенека, Зенон, Хриссипп, айникса, Аристотелнинг ҳиссаси бекиёсдир (*Nazarov Q., 2004: 251*).

Рамз масаласи XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, математик ёки символик логика фанининг шаклланиши туфайли бирмунча жадаллашди. Математика белгиларининг эвристик имкониятлари илмий тафаккур, фан ва техникани тараққий эттириш, инсоннинг билим доирасини кенгайтириш вазибаларини ҳал қилиш учун бениҳоя кўл келади. Прагматизмнинг асосчиларидан бири Чарльз Сандерс Пирс ва бихевиоризм фалсафасининг намояндалари Чарльз Моррис, Ричердс ва Огденларнинг рамзлар ва белгиларнинг умумий назарияси семиотикага асос солганликлари фан тарихида муҳим ўрин тутди (*Yakovlev Y., 1977:154-159*).

Файласуфлар рамзга моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки сиймо тарзида ифодаланган идеал мазмунидир деган таърифни беришади (*Bulatov M., 1978:62-67*). Чунки у, идрок этувчи субъектнинг фаолиятига мўлжалланган сермаъно тизимдир. Рамзийлик фаолияти инсон онгига хос ҳисобланади.

Немис файласуфларидан бири неокантчи Кассирер фикрига кўра, “Инсон рамзий ҳайвон”¹ бўлиб, у тил, дин ва фан каби рамзий шаклларни ўзида ифодалайди. Шу билан бирга уларнинг воситасида инсон ўзини қуршаган муҳитни тартибга солади. Бир қатор тилшунос олимлар рамзнинг маъноси фақат одамлар мулоқоти доирасида амалда мавжуд бўлади, деган фикрни билдирган. У қанча сермаъно бўлса, шунча бой мазмун касб этади (*Tayevski D., 1993:81*).

МУҲОКАМА

Маълумки, рамз муайян нарсанинг моҳияти ҳақида маълумот бериб, санъат, адабиёт, архитектура тарихида ҳам катта аҳамият касб этади. Шунинг учун, фикр ва тил бевосита рамзлар билан боғлиқдир. Рамзларга оид жуда кўплаб таърифларни келтириш мумкин. Хусусан, қомусий лўғатлардан бирида рамзга шундай таъриф берилган: “Рамз – предметнинг сифатини ифодаловчи қандайдир бир нарса ёки ҳайвоннинг рамзи ва белгисидир” (*D’Alviella E., 2007:41-42*).

Рамз тушунчаси лўғатда “шартли белги”, “тимсол”, “тамсил”, “тамға” “нишон” каби маъноларни англатса, истилоҳда эса оддий ёзма ёки товушли тил белгиларидан фаркли ўларок, оламнинг у ёки бу ҳодисаси эмас, балки билвосита – ҳиссий ёки мантикий сиймо воситасида инсон учун муайян мавҳум тушунчани ифодаланишига айтилади. Гоҳида бир рамз бутун бир гапни ҳам ифода этиши мумкин. Хусусан, бу ҳолат рамзларнинг такомиллашган шакли бўлмиш иероглифларда акс эттирилганини Мая ва Хитой иероглифларида учратиш мумкин.

Бундан ташқари, айнан белги ва рамзлар билан шуғулланувчи Ғарб ва Шарқ олимлари “рамз” тушунчасига қуйидагича таърифлар берган:

Швецариялик психолог Карл Густав Юнг рамзни инсон руҳини барча ютуқларга олиб борадиган кўприк (*Yung K., 2017:65*) деб атади.

Румин диншуноси Мирча Эллиаде эса уни архаик ва умуман ҳар қандай анъанавий жамият тафаккуридаги аҳамиятига ишора қилиб ўтган (*Eliade M., 1959:110-112*).

Рус олими Алексей Лосевнинг фикрига кўра, бирор бир белги инсонни абадиётга бўлган ишончини юксалтиради (*Losev A., 1930:41-43*).

Шарқда “тамсил” деб номланувчи рамз мураккаб ва кенг ҳодиса ҳисобланиб, унинг учта йўналиши мавжуд: улар предмет (куёш, кўз, ҳаёт дарахти ва бошқалар), маросимлар (жанг, овни ифодаловчи ёввойилашган инсонлар рақси, никоҳ маросими) ва оғзаки рамзлар. Халқ оғзаки ижодидаги улар анча кенг ва серқирра бўлиб, мақоллар, айникса, кўшиқларда ўз аксини топганини кўрамиз. Масалан, бинафша – бокиралик, бўригул – никоҳ, бўтакўз – поклик ва муқаддаслик, хмель, яъни қулмок ўсимлиги – хотинбозлик, шилқимлик, новда – камбағаллик, товус – бежиримлик, нар ўрдак – куёв, бойкуш – ёвузлик рамзлари ҳисобланади. Севги – кабутар, ичкилик ва ҳайкирик, туз – қайғу, тутун ва чанг – алам, тоғлар – сабот (*Karamatov H., 2008:220-224*) каби маъноларни билдиради.

Тарихдан то бугунги кунгача ҳар хил белги ва рамзларни қўллаш, улардан унумли фойдаланиш деярли барча соҳаларда учрайди. Қадимги қабилавий жамоа тузуми ҳукмронлиги даврида ҳам диний-мистик рамзлар турли уруғларни бир-биридан ажратишга хизмат қилган. Мазкур жамоаларнинг рамзлари ўзлари яшаётган реал хусусиятларидан келиб чиқиб, кейинчалик тотемлар ва фетишларга айланган.

Бугунги кунда мавжуд динларнинг барчасида ҳам ўзига хос белги ва диний-мистик рамзлари мавжуд. Баъзи динларда бу рамзлар илоҳий характер касб этса, бошқаларида фақатгина мажозий маънода қўлланилади. Муайян диннинг бирқанча

¹ www.neokant.com


рамзлари бўлиши ҳам мумкин. Қуйида қадимги Миср, Юнонистон ва Рим эътиқодларидаги диний-мистик рамзларнинг энг машҳурлари борасида сўз юритилади.

Қадимги Миср динлари номлар (қабилалар) нинг раҳнамо-худоларига сиғинишга асосланган. Масалан, Элефантинда – қўйга, Дендерада – сизирга, Сиутда – чиябўрига, Гермополда – ибис (лайлакка ўхшаш узун оёқли қуш) ва павианга (иттумшук маймун), ал-Файюм водийсида – тимсоҳга, Бубастисда эса мушукка сиғинганлар. Жанубий Мисрнинг қадимий бирлашишига асос бўлган Нехенда калхат аёл худосига, унга яқин жойлашган Нахабда сув нилуфарига сиғинганлар. Шимолий Миср бирлашувининг қадимий маркази Бутода мукаддас илонга, қўшни Пе жамоасида асаларига сиғинганлар.

Кўриниб турибдики, қадимги Миср динларида кўпроқ тотемистик унсурлар сақланиб қолган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Миср тотемизми қабилавий эмас, балки маҳаллий бўлган. Шунга қарамай, Африка этнографияси келтирган ишончли далиллар ҳайвонларни улуғлаш ва уларга сиғиниш одатлари аввал маълум бир қабила миқёсида бўлиб, кейинчалик муайян ҳудуд доирасини қамраб олганлигидан далолат беради.

Деярли барча маҳаллий раҳнамо-худоларга сиғиниш удумлари мукаддас ҳисобланган ҳайвонга одам шаклини бериш билан келиб чиққан. Масалан, мушук кейинчалик мушук бошли Бастет худосига, лочин – Гор худосига айланган. Тотанинг ибис бошли, Ануписнинг ит бошли, Собекнинг тимсоҳ бошли, Сохметнинг урғочи шер бошли, Хатхор худосининг сизир бошли қилиб тасвирланиши мукаддас ҳайвонларнинг кейинчалик ярим одам-ярим ҳайвон шаклига кирганидан дарак беради (*Agzamxodjayev S., va boshqalar., 2011:152-153*).

Илмий изланишлар натижасига кўра, қадимги Мисрнинг энг машҳур диний-мистик рамзларининг тарихи ва мазмун-моҳияти ҳақида қуйида тўхталиб ўтилади:



Анх қадимги мисрликларнинг инсон эътиборини ўзига тортадиган рамзи бўлиб, у “дастали” ёки “сопли” хоч номи билан машҳурдир. Бу хочда икки рамз бирлашган бўлиб, биринчиси “хоч”, яъни “ҳаёт”, иккинчиси эса “айлана”, яъни бу “абადийлик”ни ифодалайди. Қадимги мисрликларнинг эътиқодига кўра мазкур икки рамз бир бўлиб “бокий ҳаётни” билдиради (*Gibson K., 2007:14-15*).

Шунингдек, мазкур хоч аёл ва эркак худолар бўлган Осирис ва Исидаларнинг бирлашиши, яъни ер ва осмон иттифоқи рамзи ҳамдир.

Шарқ олимлари иероглиф ёзувларидаги мазкур белгини “ҳаёт” сўзи билан боғлайди. Мисрликлар анхни туморлар ва ерда ҳаётни узайтириш мақсадида тасвирлар эди. У дунёда вафот этганларни бошқа ҳаёт кутаётганига ишониб, бу туморни дафн маросимида ишлатар ва уни марҳум билан бирга қабрга қўяр эди. Уларнинг эътиқодига кўра, анхни “ўлим эшикларини очувчи куч шундай кўринишга эга” деб тасаввур қилганлар (*Sycheva G., 2000:201-202*).


Анх рамзини канал деворларига сув тошқинларидан сақлаш мақсадида қўйилгани ҳақида тарихий китоблар маълумот беради. Яқин даврларгача мазкур белги жодугарлар ва сеҳргарлар томонидан дам солиш, фолбинлик ва табибликда қўлланилган. Олтмишинчи йилларда содир бўлган хиппи ҳаракатларида анх тинчлик ва ҳақиқат рамзи вазифасини бажарган (*Gibson K., 2007:16-17*).



Амента рамзи ерости дунёси ёки ўликлар мамлакатини англатади. Дастлаб у қуёш ботадиган уфқни англатган бўлса, кейинчалик Нил дарёсининг қуёш ботадиган ва мисрликлар одатда ўлганларни дафн этадиган ғарбий соҳилининг тимсолига айланган (*Korolev K., 2005:51-54*).



Ба қадимий мисрликларнинг ишонишича, қирғий ёки одам бошли калхат тимсолий киёфасида тасвирланадиган ўзида инсоний рух – психологик қуввати ўлимни енгиб ўтган инсоннинг руҳий жиҳатини акс эттирган. Жисмоний ўлимдан сўнг рух Осирис подшолигига, яъни саодат ва фароғат ўлкасига учиб кетган. Бироқ кейинроқ у ёки бу дунёда танага ёки реинкарнациядан сўнг ерга қайтиб келган. Бу рамз Миср қабр безакларида кенг ишлатилган (*Taevskiy D., 1993:235-236*).



Шену (шен) безак гажакларидан бири ҳисобланади. Ибтидоси ва интиҳоси мавжуд бўлмаган, ичига исм ёзилган арқон ҳалқаси кўринишига эга. Ушбу исмининг эгасини ҳимоя қилишга хизмат қилган. Қадимги мисрликларнинг фикрига кўра, бу тумор инсонни ўткинчи дунёнинг тажовузларидан ҳимоя қилган ҳолда ҳаётни узайтириш имконини тақдим этган (*Salmina N., 1998:79-80*).



Занжир ва ҳасса мисрликларда ўликлар қозиси Осириснинг асосий атрибутларидан саналган. Хат ёзишга мўлжалланган пероли ҳасса қайта уйғонаётган руҳни тимсоллаштирган. Шу билан бирга, у ҳукмронлик, улуғлик ва қудрат тимсоли ҳам бўлган. Ўтмишдаги фиръавнлар ўтган

асрларнинг монархлари каби ҳукмронлик асоси ва хочни кўтариб юрган (*Panov E., 1983:182-184*).




Жед афсоналарга кўра, Осириснинг умуртқаси нибўлиб ташланганидан сўнг вертикал тарзда ўрнатилган. Мана шу нарса Миср белгиси жед ҳисобланади. Дарҳақиқат, мавжуд фикрларга кўра, жед бу инсон умуртқасининг маълум услубга солинган тасвиридир. У барқарорлик ва қудратни ифодалаб келади. У дастлаб “буюк Жед” деб номланган худо-демиург Пта билан боғлиқ бўлган. Кейинчалик Осирис култи юзага келиши билан бу тимсол Осириснинг умуртқасини ифодалай бошлаган. Жед устуни одатда қабрларнинг устида, мурданинг умуртқаси ётган жойда тасвирланган. Бу эса ўлган одамни нариги дунё худоси Осирис билан тенглаштирган. Мазкур рамз инсоннинг нариги дунё бўйлаб сафарида кўз тегишидан сақловчи тумор вазифасини бажарган (*Tillich P., 1955:98-99*).



Бирламчи тепалик Миср аҳолисининг эътиқод қилишларича, денгизидан кўтарилган ва куруклик ҳосил қилган. Денгиздан кўтарилаётган тепалик шакли мисрликларни илҳомлантириб турган ва натижада бу шакл кўплаб иншоотларда, жумладан, ибодатхоналарда ишлатила бошланган. Айнан бирламчи тепалик пирамидаларнинг андозаси бўлиб хизмат қилган (*Vetsteyna G., 1705:239-240*).



Маат пероси ҳақиқат, адолат, одоб-ахлоқ ва тенгликни ифодалаган. Маат перосини сақлаш фиръавннинг вазифаси бўлган. Фиръавн вафот этгач, Маат ҳам йўқолган ва янги фиръавн тож киймагунича дунё хаосда бўлган. Одатда худолар ва фиръавнлар ушбу рамзнинг устида турган ҳолда тасвирланган. Бу эса уларнинг Маатга садоқатини кўрсатиб турган (*Pero Maat., http://the-symbol.ru/bogi_drevnei_elladi.htm*).




Урей (кобра) қуйи Мисрнинг махсус белгиси бўлиб, ушбу худуд ҳукмдорларининг рамзига айланган. Шу билан бирга урей қуёшнинг ва кўплаб бошқа худоларнинг ҳам тимсоли ҳисобланади. Кобра “Ранинг ўтли нигоҳи”ни ҳам ифодалайди. Бу рамз учар қуёш гардишининг икки томонида тасвирланган кобралар ёрдамида ифодаланган. Ўрта сулола ҳукмронлиги давридан бошлаб урей ҳукмдорнинг тожи ёки бош кийимига қадаладиган рамзга айланган. У ҳимоя тимсоли сифатида ҳам ишлатилган. Мисрликларнинг эътиқод

қилишларича, кобра яқинлашаётган душманга олов пуркаган (*Panov E., 1983:214-215*).



Уджат Горнинг кўзи ёки ҳамма нарсани кўрувчи Уджат қадимги Мисрда кўплаб мураккаб маъноларни билдирган. Гор (ёки Хор) лочин-худо, осмоннинг соҳибидир. Унинг ўнг кўзи Ра (қуёш худоси) кўзи, чап кўзи эса Гор (ой рамзи) кўзидир. Қошли кўз кўринишида тасвирланган Гор кўзи қудрат ва ҳокимиятни англатган. Бу муқаддас тимсол ёмонликдан ҳимоя қилувчи восита ҳисобланиб, бутунги кунгача ўз мазмунини сақлаб қолган (*Dr. Toriq bin Sulaymon al-Bahlal*).



Уас қудрат ва ҳукмронлик рамзи бўлиб, тепаси ит бошидан иборат, ости айришоҳ билан тугайдиган таёқчалардан ташкил топган. Худолар ўз қудратини намоён этиш мақсадида қўлларида уас ҳассасини кўтариб олишган (масалан Мемфис худоси Пта). Шунингдек, фиръавнлар ҳам уасга эга бўлишлари мумкин бўлган, кейинчалик қуйи табақа вакиллари ҳам дафн маросимларида ундан фойдалана бошлашган (*Jan J., 2003:64-65*).



Ра қадимги Миср маданий ҳаётида асосий унсурлардан бири қуёш бўлган. Унинг маъноси санъат ва динда яққол намоён бўлади. Энг машҳур худолар ҳам у ёки бу тарзда қуёш билан боғлиқ. Дастлаб Хорус, кейин Ра, янада кейинроқ Амон-Ра қуёш худоси саналган. Қуёшнинг кўплаб тимсоллари мавжуд. Масалан, тонг рамзи улкан гўнгкўнгиз Хепри ёки оқшом худоси қўй бошли худони шулар жумласига киритиш мумкин. Эҳнатон ҳукмронлиги даврида Атон қуёш худоси ҳисобланган. Қуёш қўлида анх ушлаб турган ва нур сочаётган шаклда тасвирланади (<http://historic.ru/lostcivil/egypt/religion/ra.shtml>). Қуёшнинг бошқа тасвири эса урейлар чирмашиб турган учар қуёш гардишидан иборат Хорус Бехудити кўринишида акс эттирилган.

Қадимги юнонлар ҳайвонлар тимсолларини илоҳийлаштирганлар. Хўкиз тимсоли биринчи ўринда бўлиб, илон тимсолида эса илоҳий куч эгасини тасаввур қилиб, бир қатор ҳайвон ва қушларни илоҳийлаштирганлар. Бу юнонларда тотемизм тушунчалари кенг ёйилганлигидан дарак беради.

Тотемизм каби диний тасаввурларнинг баъзи белгилари мирмадан халқининг чумолидан тарқалганлиги ёки илоноёқ Кекропнинг Афина асосчиси эканлиги ҳақидаги афсоналарда баён этилган (*Agzamxodjayev S., va boshqalar., 2011:33*).

Юнонлар аслзода қаҳрамонларни илоҳийлаш-тирганлар, бунга худоларга бўлган ишончнинг пасайиши сабаб бўлган. Аслзода хонадонларнинг алоҳида ажратилиши билан уларнинг илк аждодлари ҳам улуғлана бошланди. Уларнинг номлари юкори қўйилиб, уни улуғловчи ва унга сиғинувчилар сони ортиб бориб, Геракл, Иффокал, Иврином, Борса, Эрота каби қаҳрамон худолар пантеони вужудга келди.

Геракл – куёш худоси, тадқиқотчилар уни дорий қабиласига мансуб Гераклидлар сулоласининг бобокалони ҳисоблаб, халқ қаҳрамони шахсининг афсонавийлаштирилиб юборилган кўринишидир (*Agzamxodjayev S., va boshqalar., 2011:34*).

Афинада Эрехтей, Бута каби қаҳрамонлар култи зодагон Бутада хонадони кўлида бўлган. Қадимги юнон худолари маҳаллий ва умумий худоларга бўлинган. Маҳаллий худолар ўзаро урушларда ёрдам беради, деб эътиқод қилинган, умумий худолар эса ташқи душманга қарши курашларда ёрдам беради деб ишонилган.

Шаҳарларнинг ўз худолари бўлиб, бу Юнонис-тоннинг сиёсий тарқоқлигидан хабар беради. Гомер даврида юнонларнинг кўплаб жамоаси Олимпия худоларига ибодат қилганлар. Шу ўринда айтиш керакки, Олимпия улуғ худолари пантеонининг келиб чиқиши жуда мураккаб масала ҳисобланган.

Худоларнинг энг улуғи Зевснинг хотини Гера ҳисобланган. У сигир худо кўринишидадир. Иккинчиси Посейдон Пелопоннессада қадимий денгиз худоси бўлиб, унга балиқчилар сиғинишган (*Agzamxodjayev S., va boshqalar., 2011:35-36*).

Афина шаҳарлар ва кўрғонлар ҳомийси ҳисобланган. Уни “Афина худоси”, “Афиналик аёл”, “Паллада”, “Полиада” каби эллика яқин сифатлари бўлган. “Эллада тавсифи” китобида унга атаб етмиш учта турли ибодатхона, зиёратгоҳлар қурилгани ёзиб қолдирилган. У бойкуш, илон, зайтун дарахти тимсолларида тасаввур қилиниб, Афинанинг образида тотемистик жиҳатлар сақланиб қолганлиги белгисидир.

Юнон худоси Артемида – овчи қиз шаклида тасвирланган. Унга атаб ибодатхона ва муқаддас кадамжолар бунёд этилган.

Апполон юнон афсоналарида Зевс ва Летонинг ўғли, Артемиданинг акаси ҳисобланади. Апполон сўзининг маъноси баъзида “ҳалок қилувчи”, гоҳо “чорва раҳнамоси” сифатида талқин қилинган.



Зевс олимпия худоларининг улуғларидан бўлиб, “худолар ва одамлар” отаси ҳисобланган. Унда эллика яқин маҳаллий худоларнинг сифатлари жамланган. У ҳақдаги афсоналар Крит ва Фессалияда тарқалган. Зевс номи “ёғдули

осмон” маъносини билдиради (*Agzamxodjayev S., va boshqalar., 2011:36*). Юнонлар яна Асклепий, Пан, Афродита, Арес, Гефест, Гестия, Гермес каби худоларга сиғинганлари тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Қадимги юнонларда одам шаклидаги худо тимсоллари кўп учраши, худолар кўпинча аёл суратида тасвирланиши, куёш, ой, тошлар, ғорлар, баъзи дарахт ва унсурларда ҳам илоҳий куч мавжуд деб ҳисобланишини мазкур диннинг рамзларида кўриш мумкин. Хусусан, Арес-Марс рамзи юнон мифологиясида жасур худонинг шафқатсиз ва агрессив характериға эга бўлган қаҳрамон ҳисобланиб, унинг ўз ота-онаси Зевс ва Гера каби худоларга қарши тажавузкор этиб тарбиялаган дейилади. У ўша шафқатсиз даврнинг айнан жангчилари энг кўп шон-шухратға эга бўлган худолардан бири саналади. Ўз навбатида Арес-Марс уруш худоси вазифасини бажара бошлаган. Бу эса унинг темир, пўлат, олов ва совук қуроллар устидан ҳукмронлигини кўрсатиб беради. Қилич, найза ва қалқон каби жанг қуроллари Марснинг рамзлари сифатида қаралади (*Gibson K., 2007:24-25*). У бир вақтнинг ўзида бўри ва от сингари ҳайвонларнинг ҳамда март ойида туғилган инсонларнинг ҳомийси ҳам саналади.



Асклепий тиббиёт худоси ҳисобланиб, тақдири чуқур фожеавийлик билан боғланган. Унинг онаси Корнида қироличаси бўлиб, уни худо Аполлон томонидан номусига тегилган. У фарзандини дунёга келтирганидан сўнг эса оддий ўлим топадиган гўдакнинг илоҳийлигини афзал билгани учун ўлдирилган. Аполлон унинг отасини ҳам ўлдирган. Бироқ, у етимни тан олиб, уни тарбиялаш учун Хироннинг Кентавриға топширган. У эса болага табиблик илмларини ўргатган. Халқ орасида Асклепий жуда машҳур бўлганлиги сабабидан Эпидавр оролида унга атаб биринчи ибодатхона (дунёдаги биринчи шифохона) Асклепийонни барпо этишган. Асклепийнинг рамзи ҳассаға ўралиб турган илон бўлиб, у бизнинг давримиздаги шифохона ва дорихоналарнинг пештоқини беаб туради (*Ulyanov A., 2010:34-35*).



Гарпиялар бўрон ва ўлим маъбудалари бўлиб, аёл бошли ва кўкракли қанотли куш сифатида тасвирланган. Юнон мифологиясида улар осмонда кўзға кўринмасдан учиб юриб, одамларни ўғирлаб кетади (*Yakovlev E., 1977:115-116*).

Камалак маъбудалари гўзал Иридаларнинг туғишган сингиллари бўлиб, улар опаларини ҳимоя қилиб, қирилиб кетишдан сақлаб қолган.



Гермес-Меркурий энг сирли худолардан бири ҳисобланади. Эллинистик мифларда у айёр ва енгилтабиат, ҳар қандай шўхликларга бош урадиган ёш бола сифатида гавдаланади. У худолар шоҳи Зевснинг хизматкори бўлиб, уни жуда ҳам тез юришини тақдирлаб, унга қанотли сандаллар ҳадя қилинган.

Бироқ, антик анъаналар уни қадимги Мисрдаги донишмандлик худоси ва ёзув ихтирочиси Тот билан тенглаштирган. Шунинг учун ҳам Гермес ҳозиргача сирли донишмандлик ва “Герметик билимлар” ҳомийси бўлиб қелмокда (*Yakovlev E., 1977:208-209*). Аполлон унга сирли қанотли ҳасса – “кадуцей” тухфа этган бўлиб, мазкур ҳассага икки илон ўралиб заҳар пуркаб туради.



Зевс - Юпитер Юнон мифологиясида олий худо, худолар ва инсонларнинг ҳукмдори ҳисобланади. Унинг истиқомат қиладиган жойи Олимп тоғларидир. Рим мифологиясида унга Юпитер тенглаштирилади. Зевс биринчи галда куёш белгиси чакмоқ ёки бургут билан тасвирланади. Унинг ҳукмронлигини бўрттириб кўрсатиш мақсадида Зевс тож, салтанат ҳассаси ва тахт билан тасвирлаган (*Babushkina E., va boshqalar 2009:196-197*). Зевс тасвири ўзини англатадиган белгилар ҳисобланадиган икки ғилдиракли арава, чакмоқ, бургут, бука, эман япроғи ва дафна дасталари билан бирга энг олий қудратни ифодалаган.

Зевс қирмизи ранг, қалай металл, алоэ хиди, бургут, сапфир тоши, бинафша ўсимлиги ва анжир мевасининг ҳомийсидир. Шу билан бирга, у ўқотар буржи остида ҳамда пайшанба куни туғилганларга раҳнамолик қилади.



Ника-Виктория қадимги юнон мифологиясида қанотли ғалаба маъбудаси бўлиб, у титан Паллант ва Стикснинг қизидир. Олимп худолари ва титанлар ўртасидаги жангда Ника ўз отасини ташлаб Олимп вакиллари томонидан туриб жанг қилади. Шундан бери у Зевснинг доимий ҳамроҳига айланган ҳамда Гераклни Олимпга кузатиб борган. Ника қанот ва ғалаба дастаси билан айланаётган шар устида турган ҳолатда тасвирланади.

Бу эса омаднинг ўзгарувчанлиги ва барқарор эмаслигининг тимсолидир. Осмондан тушаётган худоларнинг хабарчиси кўринишидаги Ника ҳайкали урушдаги, спорт ва бадий мусобақалардаги ғалаба шарафига қурилган (*Poxlebkina V., 2001:384-385*).



Пандорани ёвузлик кўринишида тасвирлаган мутахассислар қўпол хатога йўл қўяган бўлади, - дейди антропологлар. Юнонлар этикодига кўра, у аслида инсониятнинг онаси, Зевснинг хоҳиши билан яратилган биринчи аёл Евадир. Уни Гефест ер ва сувдан ясаган, унга Афина чиройли кийимлар совға қилган, Афродита эса такрорланмас гўзаллик берган, Гера ақл, макр ва сўзомонлик берган. Бошқа худолар ҳам Пандорага (унинг номи ҳам сўзма-сўз таржима қилинганда “барча томонидан совға қилинган” деган маънони англатади) совғалар берган. Зевс уни Прометейнинг укаси титан Эпиметейга турмушга бериб, никоҳ совғаси сифатида унга инсонларнинг барча қусурлари, бахтсизликлари ва касалликлари солинган сандикча тухфа этади. Прометей ўз укасини худолардан ҳеч қандай совға олмаслиги ҳақида огоҳлантиради. Бироқ соддадил Эпитемей миннатдорчилик билан машъум совғани қабул қилади. У Пандора билан никоҳ қуриб, Пандора ер юзидаги барча аёлларнинг илк онасига айланади. Оқибатда Эпитемей ўз уйига қандай бахтсизликни олиб келганини тушунганида кеч бўлади. Гўзал Пандора сирли сандикни излаб топади, бироз ўйлаб, сўнг у сандикнинг улкан қопқоғини очиб, ундан барча инсоният қулфатларини чиқариб юборади ва бутун ер юзидаги инсонлар орасига тарқалиб кетилади (*Cassirer E., 1929:73-74*). Бутун умид фақатгина Олий худоларда қолади ва Зевснинг хоҳиши билан Пандора сандикнинг қопқоғини ёпади.



Пегас Персей томонидан ўлдирилган бечора Медуза ақлнинг поэтик омбори бўлган, унинг қонидан эса ушбу ажойиб қанотли от – поэтик илҳом тимсоли учиб чиққан. Айнан унинг туёғи зарбидан Геликон тоғида Гиппокреца булоғи қайнаб чиққан, у булоқдан эса ернинг барча бўлажак шоирларининг илҳоми олинган (*Tillich P., 1955:46-47*).



Элладада Фемида умуман худолар пантеонидаги сўнгги шахс бўлмаган. Келиб чиқишига кўра, у титан бўлган ва Зевснинг иккинчи рафиқаси ҳисобланади. Унинг Зевс билан никоҳидан Гор (йилнинг тўрт

фасли худоси) ва тақдир маъбуди Мойр (Клото, Лахесис, Атропос) туғилган. У Прометейнинг онаси бўлган. Шу тариқа у дунё қонуниятлари ва борлиқ тартибининг ибтидоси ҳисобланади. Шаъмали қилиб айтганда, Фемида адолат ва қонундир, унинг тарозиси эса адолат тимсолидир. Фемиданинг хизматкорлари (коҳинлари) қонун хизматкорларидир. У кўзи боғланган (беғаразлик тимсоли) ҳолда қилич (баъзан барака мугузи билан) ва қўлида тарози билан тасвирланади. Уни мавсумларнинг онаси деб ҳам атайдилар (*Albakova F., 2000:54*). Герман Норнига ўхшаб у “ерга уруғ қадаш учун қулай вақтни аниқлаб берган, ернинг ориқланишини айтиб берган, инсонлар ҳаётидаги воқеалар учун аниқ вақтни танлаб берган.



Хирон Кентаврига Зевс қўп бора ўзининг ноқонуний туғилган ва ташлаб кетилган фарзандларини “топширган”. Уларнинг ичида Амфиарай, Ахилл, Геракл, Диоскура эгизаклари, Ясон каби юнон мифологиясининг буюк қаҳрамонлари ҳам мавжуд бўлган. Хироннинг ўзи дастлаб бошқа кентавлар билан Пелион тоғида истиқомат қилган, бироқ у ердан жангари ва жиззак лапишлар томонидан қувилган. Айнан Хирон Асклепийга даволаш сирларини ўргатган (*Tokarev S., 1964:401-402*). Ўз дўсти Геракл қўлида фожеавий ҳалок бўлишидан сўнг Зевс уни осмонга олиб чиқиб, самони ўқотар юлдуз туркуми сифатида беаган.

Қадимги Римда дин бир неча кўринишли бўлиб, ўзининг тараққиётида бир неча мураккаб босқичларни босиб ўтган.

Рим динларида ҳам бошқа италян культларида бўлгани каби тотемизм қолдиқлари чуқур сақланиб қолган. Бунинг асосчиларини эмизган она бўри ҳақидаги афсоналарда ҳам кўриш мумкин. Бўри билан боғлиқ Фавнга бағишланган луперкалий (лотинчада бўри – *lupus*) байрами ва Луперкал ибодатхонаси мавжуд. Бошқа худоларнинг ҳам ўзларига аталган хайвонлари бўлган. Масалан, бўри ва бука Марсга, ғозлар эса Юнонага аталган хайвонлар ҳисобланади (*Agzamxodjayev S., va boshqalar., 2011:35*).

Айни пайтда қўп сонли худолар ичидан бутун жамият учун аҳамиятли бўлган худолар ажралиб чиқа бошлаган.

Рим пантеони бошқалар учун ҳам ёпиқ бўлмаган, шунинг учун, римликлар бошқа худоларнинг пантеонга қабул қилинишига қарши бўлмаганлар. Улар бошқа халқлар билан доимий алоқада бўлиб, баъзи диний тасаввурларни ўзлаштирганлар ва ўз

навбатида бошқа халқларнинг диний тасаввурларига ҳам таъсир ўтказиб келганлар.


Қадимги Римда ҳам халқ орасида ўз ўрнига эга бўлган диний-мистик рамзлар бўлиб, уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:



Минотавр юнон мифологиясида инсон танали, бука бошли ва думли мавжудот ҳисобланиб, юнончада “Миноснинг букаси” деган маънони англатади. У Крит оролининг ҳукмдори Миноснинг амри билан қурилган лабиринтнинг марказида истиқомат қилган. Меъморлар Дедал ва унинг ўғли Икар лабиринтни унда Минотаврни ушлаб тура оладиган ҳолатда лойиҳалаштирган. Илмий изланишларга кўра, лабиринт Кносс қасрининг ҳозирги харобалари ўрнида бунёд этилган (*Andreva V., va boshqalar 2004:168-170*). Минотавр Тесей томонидан ўлдирилган. Крит аҳолиси дастлаб уни Астерионнинг букаси деб атаган. Чунки Миноснинг ўғай отасининг исми шундай бўлган.



Лабрис икки тиғли болта бўлиб, у қадимги Юнонистонда пелекис ёки сагарис, Римда эса “*bipennis*” деб аталган. Лабрис тимсол сифатида бронза даврининг ўрталаридаги Миной, Фракия, Юнонистон ва Византия динлари, мифологияси ва санъатида учрайди. Лабрис Африка диний рамзлари ва мифологиясида ҳам тилга олинади. XX асрда у юнон фашистларининг рамзи бўлган. Бугунги кунда эса баъзан эллин небулпарастлигининг рамзи сифатида ишлатилади, лесбик ва феминистик ташкилотларнинг белгиларида ҳам учрайди (*Vetsteyna G., 1705:130-131*).



Фасциялар сўзи фақат қўплик шаклида ишлатилади. У лотинча “*fascis*” сўзидан олинган бўлиб, “қудрат ва ҳукмронлик” ёки “қуч бирликда” деган маъноларни англатади. Анъанавий Рим фасциялари кизил тасмалар билан боғланган оқ қайин новдалари боғламларидан ташкил топган. Одатда новдалар орасига икки тиғли бронза болта жойлаштирилган (*Poxlebkina V., 2001:241-242*). Фасциялар рамз сифатида римликларга турли ҳолатларда хизмат қилган. Масалан, қандайдир жараён вақтида жангчилар ҳозирги вақтда кўтариб юриладиган байроқ каби фасцияларни кўтариб юришган.



Омфалос тош артефакт (бай-тил) бўлиб, қадимий диний белги ҳисобланади. У “киндик” деган маънони англатади. Қадимги рим ривоятларига кўра, Зевс иккита бургутни Ер марказида учрашиш учун учириб юборади (шунинг учун ҳам ернинг киндиги деб аталади). Тош омфалослар ёрдамида Ўрта Ер денгизи атрофидаги бир нечта ҳудуд номлари англатилган. Уларнинг энг машҳури Дельфадаги Оракул ҳисобланади (*Salmina N., 1998:103-104*).



Лабиринт юнончада “labyrinthos” бўлиб, у Кноссада Крит ҳукмдори Минос учун афсонавий курувчи Дедал томонидан қурилган. Лабиринт инсон танали, бука бошли ва думли мавжудот Минотаврни ушлаб туриши лозим бўлган. Охир-оқибатда Минотавр Афина қаҳрамони Тесей томонидан ўлдирилган. Дедал лабиринтни шундай айёрлик билан барпо этганки, ҳатто ўзи ҳам қурилиш ниҳоясига етганидан сўнг, у ердан аранг чиқишга муваффақ бўлган. Тесей ҳам Ариадна совға қилган арқон ёрдамида у ердан чиқишга эришган (*Syicheva S., 2000:94-95*).



Гигея косаси доришуносликнинг халқаро рамзи сифатида кенг тарқалган. Юнон ва рим мифологиясида Гигея тиббиёт ва даволаш худоси Асклепиянинг қизи ва ёрдамчиси бўлган. Рамзнинг классик сиймоси шифобахш дамлама билан тўлдирилган коса ва унинг устига энгашиб турган донишмандлик илон тасвиридан иборат. Бу илон тиббиётда Асклепиянинг ҳассасига чирмашиб турган илоннинг айнан ўзидир (*Gritsanov A., va boshqalar 2007:542-544*).

НАТИЖА

Бир қадар қисқа шаклда берилган юқоридаги Антик давр диний-мистик рамзлари мулоҳазалари таҳлили шуни кўрсатадики, ўша даврдаги мавжуд динларнинг барчасида ўзига хос белги ва рамзларнинг мавжудлиги, баъзи динларда бу рамзлар илоҳий характер касб этса, бошқаларида фақатгина мажозий маъно қўлланилади. Қадимги Миср, Юнонистон ва Рим динларининг рамзи ва белгилари биттадан кўп эканлиги ёритилди (*Alimkulov E., 2014:25-26*).

Ҳар қандай рамзийликнинг энг муҳим белгиси нарсаларнинг мазмун-моҳияти, таркибини рамзлар асосида кўрсатиб беришдан иборат. Диний-мистик рамзлар бир қарашда англаб етиш мушкул бўлган Худо ва диндаги баъзи мавҳум тушунчаларни содда

белгилар асосида намоён қилишга имкон яратади. Диний рамзларни қамраб олиш жуда қийин бўлиб, ҳар бир диний-мистик рамз ва белги турли эътиқод, оқим ва анъаналарда қўлланилиши мумкин. Рамзлар кейинчалик муайян даврларда қўлланилишига қараб у ёки бу динга мансублиги аниқланган.

Қадимги дунёнинг асосий тимсолларининг тарихи, келиб чиқиши ва қўлланилиши борасида тарихчи олим Гоблет д'Алвилла ўзининг “La migration des symboles” номли асарида турли халқлардаги умумий ва машҳур рамзлар тўғрисида фикр билдирган (*D'Alviella E.G., 2007:79-80*).

Хусусан “анх” рамзи форслар, халдуийлар, ҳиндлар, хитойликлар ва юнонларда ер, шамол, нур, ҳақиқат ва бошқа унсурларнинг тимсоли сифатида, “икки бошли бургут” эса қуёшнинг булутлар устидан ғалабаси, куч-қудрат белгисини англатади. “Уч шохли найза” христиан иконографиясида, галларнинг туморларида, Оссурия ёдгорлик тошларида учрайди, Миср, Ҳинд ва Шарқ халқларининг наздида илоҳийлик ва борлиқ тимсоли бўлган “нилуфар гули” ҳақида ҳам сўз боради (*Alimkulov E., 2019:100-101*).

Рамзлар тарих, динишунослик, лингвистика, фалсафа соҳасида назарий тушунчалар ибтидосига, ижтимоий онгни шакллантириш соҳасида эса ғоя ва сиёсат ибтидосига тааллуқли бўлади. Ушбу ибтидолар унутиб кетилганлиги ёки эътиборга олинмаганлиги кўплаб мураккаб тарихий ва сиёсий ҳақиқатларни тўғри тушуниш ва эгаллашга ҳалал беради.

Мистик рамзлар алоҳида ажратиб олинган объектлар сифатида ёки турли-туман кўринишларга бириккан ҳолда мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу бирикув ўз шакли, тарихий “аҳамияти” ҳамда “сифати”га кўра бир хил қийматга эга эмас.

Улар олдиндан назарда тутиш қийин бўлган муваққат, эпизодик, ҳатто тасодифий характерга эга эканлиги билан бир қаторда, доимий ва барқарор ҳам бўлади. Шунингдек, ўзгартириб бўлмайдиган даражада мураккаб, тарихан ва қонуний шаклланиши ҳам мумкин.

Тимсол ва рамзларнинг оддий ва эпизодик бирикмалари турли байроқлар, ашёлар, тасвирий санъат намуналарида, машҳурлари эса муҳрлар, тангалар, ҳарбий арматура ва бошқа тимсолларда учрайди. Тимсол ва рамзларнинг турғун ва ўзгармас бирикмаларининг намуналари герб ҳамда орденлардан иборат бўлади (*Ulyanov A., 2010:55-56*).

Рамзлар муайян тарихий объектлар бўлиб хизмат қиладиган қўшимча ифодаланиш вазифасини ҳам бажаради. Бинобарин, ушбу объектлар реал, предмет, мавҳум ва образли ҳам бўлади. Тимсол

ва рамзлар аллегориялар, аллегорик фигуралар, мифологик персонажлар билан узвий тарзда ҳам ишлатилади (*Alimkulov E., 2014:190-193*).

Шунингдек, рамзий ифодалар ҳокимият вакилларининг атрибутларида, давлат ва ҳарбий байроқларда, денгиз ва маҳкама байроқларида чизилган, ўйилган, тикилган, тарашланган бўлиши ҳам мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, айнан рамзлар юқорида изохлаб ўтилган мана шундай маълумотномаларга эга бўлиши муҳимлик касб этади. Шунингдек, моҳиятан алифбо, геральдика алифбо, сфрагистика ва бошқа фанлар қўлланиладиган барча жойларда рамз ва тимсоллар иштирок этади. Уларнинг моҳияти билан “ўқиш” мумкин, яъни ҳар қандай герб, орден, регалия, аллегория, атрибут ва ҳоказоларнинг маъносини тушуниш, очиб бериш ва шарҳлаш мумкин.

Бир қараганда бу оддий ва осон туюлади. Бироқ, амалиётда асрлар давомида то ҳозирги кунгача тимсол ва рамзларнинг фақат мажмуаларигина ўрганилган. Шу боисдан ҳам диний-мистик рамзлар ҳақида алоҳида (символизм), муҳрлар ҳақида алоҳида (сфрагистика), орден ва медаллар ҳақида алоҳида (фалеристика) фанлар мавжуд, рамз ва тимсоллар ва уларнинг орнаментдаги бирикмалари тасвирнинг ярмидан кўпроғини ташкил қилган санъат асарлари ва ҳарбий униформалар алоҳида ўрганилади (*Alimkulov E., 2014:73-83*).

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қадимги ва кўҳна эътиқодлар ва цивилизациялардаги диний-мистик рамзлар тараққий этган диний тизимлар учун характерли бўлган образлар мажмуи бўлиб, улар воситасида турли эътиборга молик тушунча ва концепциялар ифодаланиши мумкин. Диний-мистик рамзлар кўринишида ритуал характерга эга бўлган ва муқаддас матн, илоҳийлик, этика қоидаларини ифодалаб туришга хизмат қиладиган моддий, оғзаки, тасвирий белгилар киришини ҳам мазкур мақола орқали билиб олинди.

Қадимги Миср, Юнонистон ва Рим эътиқодларидаги диний-мистик рамзларни тадқиқ қилиш жараёнида, мазкур юртларда истиқомат қилувчи диндорлар ўзларига у ёки бу тарзда руҳий далда бериш борасида юқорида зикри келган рамз ва белгилар воситасида албатта турли маросим ва ритуаллардан фойдаланганлари маълум бўлди.

Мазкур ритуалларда диндорлар қуйидаги маросимларни амалга ошириши мумкинлиги аниқланди. Қадимги Миср, Юнонистон ва Рим

эътиқодларидаги ритуал асли махсус тайёрланган жойда ва маълум мақсадларни амалга ошириш учун ғайритабиий кучлар ёки мавжудотларга таъсир кўрсатишга йўналтирилган имо-ишоралар, турли сўзлар ҳамда объектларни ўз ичига қамраб оладиган ҳаракатларнинг стереотип кетма-кетлигида ўз аксини топади. Уларнинг мазкур ритуаллари мавсумий бўлиб, одатда иқлим ўзгаришлари, йиғим-терим, ҳосил йиғиш ёки қишки қароргоҳдан ёзги ўтлоққа кўчиш маросимларига бағишланган бўлади. Ритуаллар муайян шахс ёки жамоа ҳаётида содир бўлаётган оғир ҳолатлар туфайли ҳам амалга оширилиши мумкин.

Антик давр халқлари диний-мистик рамзлардан ўз навбатида воқеа-ҳодисалардан келиб чиққан ҳолда туғилиш, балоғатга етиш, никоҳ, ўлим ва шу каби бошқа ҳаётий ўзгаришларда ҳаёт даврининг бир босқичидан бошқа бир босқичга ўтишни англатиш мақсадида амалга ошириладиган маросимларда, шунингдек, бахтсизликлар ва фалокат вақтларида хотиржамликка эришиш, халқнинг турли касалликларга, омадсизликка учраганда, жиддий тана жароҳатларига сабаб бўладиган ғайритабиий мавжудотлар ва кучларни ҳайдаш мақсадида амалга ошириладиган урф-одат ва ритуалларида кенг фойдаланиши тадқиқ этилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Жамолдинова О. (2017). “Илм-фан ривож - тараққиётнинг бош омили”. <https://uzlidep.uz/news-of-party/169>.
2. Alimkulov, E., Ruziohunov A. (2014). “Buddaviylik dinining muqaddas ramzlari”. // Religion – Science – society: problems and prospects. Materials of the IV international scientific conference on November 1-2. Prague.
3. Назаров, Қ. (2004) Фалсафа комусий луғат. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 251.
4. Яковлев, Е.Г. (1977). Искусство и мировые религии. – М.: Высшая школа, 1977. – 364 с.
5. Булатов, М.С. (1978). Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии. – М.: Издательство “Нука” главная редакция восточной литературы, С. 210.
6. Таевский, Д. (1993). Религиозные знаки и символы. –М.: Даръ, С. 326.
7. D’Alviella, E.G. (2007). La migration des symboles. – California.: The University of California, – 343 p.
8. Юнг, К. Г. (2017). Человек и его символы. – Серебряные нити, – 352 с. – ISBN 978-5-902582-37-3.
9. Eliade, M. (2007). Naissances mystiques. – Paris.: Essai sur quelques types d’initiation.
10. Лосев, А. (1930). Очерки античного символизма и мифологии. Т.1 [2-й том не был создан]. 1-е изд.: М.: Изд-е автора.

11. Караматов, Х.С. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. –Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, –Б. 220-224.
12. Агзамходжаев, С.С., Раҳимжонов Д.О., Мухамедов Н.А., Нажмиддинов Ж.Х. (2011). Дунё динлари тарихи. –Т.: Тошкент. – 210 б.
13. Гибсон, К. (2007) Символы, знаки, эмблемы, мифы в материальной и духовной культуре. –М.: Эксмо, –С. 30.
14. Сычева, С.Г. (2000). Проблема символа в философии. –Томского университета, – 260 с.
15. Королев, К.М. (2005). Энциклопедия символов, знаков, эмблем. –М.: Эксмо, – С. 148.
16. Салмина, Н.Г. (1998). Знаки и символов в обучении. – М.: Издательства МГУ. – 346 с.
17. Панов, Е.Н. (1983). Знаки, символы. Языки. – М.: Астрел, – 294 с.
18. Tillich, P. (1955). Theology and Symbolism. –New York.: Religious Symbolism, edited by F. Ernest Johnson, –P. 154.
19. Ветштейна, Г. (1705). Символы и эмблемата. – М.: АСТ, – 406 с.
20. طارق بن سليمان البهلال. شعارات الأديان ورموزها (دراسة). تحليلية تطبيقية. م. : مركز النشر والترجمة – جامعة المجمعة, 1433هـ. (ص. 187).
21. Жан, Ж. (2003). Знаки и символы. Энциклопедия. –М.: Астрел, –С. 93.
22. (<http://historic.ru/lostcivil/egypt/religion/ra.shtml>).
23. Ульянов, А.В. (2010). Русская символика. – М.: АСТ-Астрель, – 510 с.
24. Бабушкина, Е., Верещагина, Л., Бирюкова, О. (2009). Энциклопедия знаков и символов, Body Art. – М.: Арт. – 396 с.
25. Похлебкин, В.В. (2001). Словарь международной символики и эмблематики. – М.: Международные отношения, – 559 с.
26. Cassirer, E. (1929). Philosophic der Symbolischen Formen, vol. 3. – Berlin.: Rite and Art, – 298 p.
27. Албакова, Ф.Ю. (2000). Роль символов в национально-этническом сознании: Диссертация на соискание ученой степени доктора философских наук. – Москва.: Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова.
28. Токарев, С.А. (1964). “Религия в истории народов мира” - Москва: Политиздат, - с.559.
29. Андреева В., Куклев А., Ровнер – авт.-составители. (2004). Энциклопедия – символы, энаки, эмблемы. –М.: Астрел, –С. 257.
30. Грицанов А.А., Синило Г.В., сост. и общ. ред. (2007). Религия. Энциклопедия. – М.: Книжный дом, 2007. – 960 с.
31. Alimkulov, E. (2014). Diniy ramzlarning mazmun-mohiyati va talqini // TIU, “Ilmiy-tahliliy axboroti”, 3, 21-25 b.
32. Alimkulov, E. (2019). Diniy ramzlarning kelib chiqishi va ularning rivojlanishi. Imom Buxoriy saboqlari ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy-adabiy jurnali, 3. 100-101.
33. Alimkulov, E. (2014). Diniy timsollarning shakllanishiga oid qarashlar tahlili. // “Interconfessional dialogue and religious tolerance – guarantee of stability in society” International Scientific-Practical Conference. November 12. Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi, 190-193 b.

REFERENCES

1. Jamoldinova, O. (2017). “Ilm-fan rivoji - taraqqiyotning bosh omili”. Toshkent.
2. Nazarov, Q. (2004). Falsafa qomusiy lug‘at. Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi.
3. Yakovlev, Y. G. (1977). Iskustvo i miroviye religii. Moskva: Vishaya shkola.
4. Bulatov, M. S. (1978). Geometricheskaya garmonizatsiya v arxitekture Sredney Azii. Moskva: Izdatelstvo “Nuka” glavnaya redaktsiya vostochnoy literaturi.
5. Tayevskiy, D. (1993). Religiozniye znaki i simvoli. Moskva: Dar.
6. D’Alviella, E. G. (2007). La migration des symboles. California: The University of California.
7. Yung, K. G. (2017). Chelovek i yego simvoli. Moskva: Serebryaniye niti.
8. Eliade, M. (Paris). Naissances mystiques. 2007: Essai sur quelques types d’initiation.
9. Losev, A. (1930). Ocherki antichnogo simvolizma i mifologii. Moskva: Misil.
10. Karamatov, H. S. (2008). O‘zbekistonda moziy e’tiqodlar tarixi. Toshkent: Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti.
11. S S Agzamxodjayev D O Rahimjonov N A Muhamedov J X Najmiddinov . (2011). Dunyo dinlari tarixi. Toshkent: Toshkent.
12. Gibson, K. (2007). Simvoli, znaki, emblem, mifi v materialnoy i duxovnoy kulture. Moskva: Eksmo.
13. Sicheva, S. G. (2000). Problema simvola v filosofii. Tomsk: Tomskogo universiteta.
14. Korolev, K. M. (2005). Esiklopediya simvolov, znakov, emblem. Moskva: Eksmo.
15. Salmina, N. G. (1998). Znaki i simvolov v obuchenii. Moskva: Izdatelstvo “MGU”.
16. Panov, Y. N. (1983). Znaki, simvoli. Yaziki. Moskva: Astrel.
17. Tillich, P. (1955). Theology and Symbolism. New York: Religious Symbolism, edited by F. Ernest Johnson.
18. Vetsteyna, G. (1705). Simvoli i emblemata. Moskva: AST.
19. Al-Bahlal, D. T. (2012). Dinlarning shiorlari va ramzlari (amaliy tahliliy tadqiqotlar). Saudiya Arabistoni: Al Majmaah universiteti - Nashriyot va tarjima markazi.
20. Jan, J. (2003). Znaki i simvoli. Esiklopediya. Moskva: Astrel.
21. (<http://historic.ru/lostcivil/egypt/religion/ra.shtml>).
22. Ulyanov, A. V. (2010). Russkaya simvolika. Moskva : Ast-Astrel.
23. Ye Babushkina, L Vereshagina, O Biryukova,. (2009). Esiklopediya znakov i simvolov. Moskva: Body Art.
24. V.V. Poxlebkina. (2001). Slovar mejdunarodnoy simvoliki i emblematiki. Moskva: Mejdunarodniye otnosheniya.

25. E. Cassirer. (1926). *Philosophic der Symbolischen Formen*. Berlin: Rite and Art.
26. F.Yu. Albakova. (2000). *Rol simvolov v nasionalno-etnicheskom soznanii: Dissertasiya na soiskaniye uchenoy stepeni doktora filosofskix nauk*. Moskva: Moskva.: Moskovskiy gosudarstvennyy universitet imeni M.V.Lomonosova.
27. S.A. Tokarev. (1964). *Religiya v istorii narodov mira*. Moskva: Politizdat.
28. V. Andreyeva, A. Kuklev, . (2004). *Ensiklopediya – simboli, enaki, emblemi*. Moskva: “Astrel”.
29. A.A. Grisanov, G.V. Sinilo,. (2007). *Religiya*. Ensiklopediya. Moskva: “Knijniy dom”.
30. E., Alimkulov. (2014). Diniy ramzlarning mazmun-mohiyati va talqini. TIU, “Ilmiy-tahliliy axboroti”, 21-25.
31. E., Alimkulov. (2019). Diniy ramzlarning kelib chiqishi va ularning rivojlanishi. Imom Buxoriy saboqlari ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy-adabiy jurnali, 100-101.
32. E., Alimkulov. (2014). Diniy timsollarning shakllanishiga oid qarashlar tahlili. “Interconfessional dialogue and religious tolerance – guarantee of stability in society” International Scientific-Practical Conference. (p. 190-193). Toshkent: Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi.
33. Alimkulov, E., Ro’ziokhunov, A. (2014). “Buddaviylik dinining muqaddas ramzlari”. eligion – Science – society: problems and prospects. Materials of the IV international scientific conference, (p. 1-2).

